O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 1 апрель, № 62 (3861) Шанба

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи жаҳон матбуотида кенг ёритилди ва шарҳланди. Туркиянинг «Туркиш уикли» ҳафтаномаси «Кореан ҳералъд» газетасининг туркум материаллари ҳамда Жанубий Корея матбуотидаги бошқа мақолалар асосида «Ислом Каримов — даврни белгилаб берган шахс» сарлавҳаси остида мамлакатимиз раҳбарига бағишланган катта мақола тайёрлаб, чоп этди. Қуйида уни газетхонлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

ИСЛОМ КАРИМОВ — ДАВРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ШАХС

Мустабид тузумнинг сиёсий ва мафкуравий ҳукмронлиги парчаланганидан сўнг, унинг ўрнини ўз аҳамиятини йўқотган эски мафкурага қарши курашган янги демократик ва дунёвий цивилизация эгаллади. Миллий тикланишнинг бундай масъулиятли даврида жамиятда буюк шахсларга зарурат туғилиши табиий, албатта. Ва давр ўз тафаккури, ақл-заковати, салоҳияти билан қудратли саналадиган бундай шахсларни етиштириб чиқаради.

Объектив тарихий зарурат туфайли бундай кишилар даврни белгиловчи машҳур шахсларга айланади. Суверен Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ана шундай буюк инсонлар сирасидандир. У мустақил дунёвий давлат асосчиси сифатида мамлакатни ривожлантиришнинг буюк демократик келажакка қаратилган стратегиясини белгилаб берди.

Ислом Каримов миллий тикланиш жараёнидаги ўтиш даврининг оғир юкини ўз зиммасига олган ҳолда, миллий давлатчиликни тиклаш борасида дадил ва мардонавор йўл тутди. Мустабид тузум қулаганидан кейинги мураккаб шароитда ўзининг давлат раҳбари сифатидаги тарихий миссиясини чуқур англаб, бу ишнинг мазмунмоҳияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қила олди, давлат бошқаруви тизимини тубдан қайта ташкил этиш ва демократлаштириш сиёсатини жасорат ва қатъият билан амалга оширди. 1990 йилдаёқ Ўзбекистон, собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб, мамлакатда президентлик бошқарувини жорий этди. Собиқ шўро ҳудудида кескин ўзгаришлар рўй бериб, беқарорлик ҳукм сураётган бир шароитда Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик сақлаб қолинди.

Президент Ислом Каримов бу борада мураккаб муаммоларга дуч келди ва фуқаролик уруши хавф солиб турганига қарамай, ушбу муаммоларни мардонаворлик, жасорат билан ҳал этди, мамлакатда 80-йиллар охирида ҳукм сурган бошбошдоқликка қарши қатъий кураш олиб борди.

Бу гап, авваламбор, меҳхети турклари билан ўзбеклар, шунингдек, ўзбеклар билан қирғизлар ўртасида рўй берган миллий-этник можароларга тааллуқлидир. Фақат Ислом Каримовнинг жонкуярлиги, жасорати ва қатъияти туфайли минтақада ҳунрезликнинг олди олинди. Ўзбекистон Президентининг ушбу мардонавор хизмати кейинчалик нафақат қўшни давлатлар раҳбарлари, балки ўтиш даври тарихи тадқиқотчилари томонидан ҳам муносиб баҳоланди.

Ўзбекистон раҳбари ўзининг аксарият ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ, юртдошларини истиқлолга тинч ва беталафот йўлдан олиб келди, мустақил давлат барпо этди, миллий тараққиётнинг «янги уйни қурмай туриб, эски уйни бузманг» тамойилига асосланиб, инқилобий эмас, тадрижий йўлдан боришини таъминлади.

У вазиятни назоратга ола билди, муаммоларни, аввало, мамлакат ривожига халал бераётган тўсиқларни бартараф эта бориб, нафақат Ўзбекистоннинг, балки унга қўшни мамлакатларнинг ҳам мустақил давлат сифатида юксалиши учун жон куйдирди.

Ўзбекистон раҳбари, муаммодан қочиш хавфлироқ, унга қарши курашиш керак, деб ҳисоблайди. Акс ҳолда, одамлар ваъдаларга ишонмай қўяди, заиф ҳокимиятнинг эса юзи шувит бўлади. Давлат машинасини ҳаракатлантирувчи куч — ижро ҳокимияти — уни биров ишга солмоқчи бўлганда носоз овоз чиқаради. Бундай шароитда одамлар қонун кучига ҳам, ҳокимият одиллигига ҳам эмас, фақат ўзига ишонади. Ахир, уларга бундай ҳокимиятнинг нима кераги бор?

Бунга чуқур илдиз отган жиноятчилик яхши мисол бўла олади.

Ўзбекистон раҳбари мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ана шу иллат билан юзма-юз келди. У қонун устуворлигини таъминлаш учун дадил қадам ташлаб, жиноят оламига қақшатқич зарба берди.

Ўтиш даврининг бошқа муаммолари ҳам ўз вақтида ҳал қилинди.

Хавфни фақат юзма-юз қарши олгандагина ғалаба қозониш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Бу Президентнинг мустаҳкам ҳаётий позицияси, очиқ сиёсий ва инсоний азму шижоатидан далолат беради. Халқ тарихан қисқа давр ичида йўлбошчи нималарни асосий ва муҳим деб ҳисоблашини, сиёсат ва миллий иқтисодиётда қандай ишларни амалга оширганини, қандай сиёсий режаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйганини англаб етиш имконига эга бўлди.

Бундай долзарб ва ҳаётий саволларга жавоб топиш керак эди.

Жавоб дарҳол, тўғридан-тўғри, қисқа ва лўнда қилиб берилди. Бу халқнинг тарихий, маънавий анъаналарини ва миллий тафаккурини ҳисобга олган ҳолда, концептуал асосда ишлаб чиқилган тараққиётнинг беш тамойилидан иборат «ўзбек модели» стратегияси эди.

Маълумки, ҳар қандай дастур аввалида асосий мақсадлар белгилаб олинади. Давлат дастурлари одамлар, барча фуқароларни ғоявий жипслаштириш имконини берадиган мақсаддан бошланади. Дастурни мақсадли ва амалда самара берадиган тарзда тайёрлаш учун давлат сиёсатининг барча таркибий қисмларини (иқтисодий, сиёсий, маънавий, халқаро ва ҳоказо) концептуал асосда бир-бирига мустаҳкам боғлаш ва ягона давлат платформасини ишлаб чиқиш зарур.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш ҳозирги босқичда давлат стратегиясининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу стратегияни изчил амалга ошириш доирасида ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда ёшларни инсонпарварлик, юксак ахлоқ ва маънавий қадриятлар мисолида тарбиялашга алоҳида урғу берилмоқда.

"Жамиятни демократлаштириш, ислоҳ қилиш ва ёшларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш" мавзуидаги конференцияда шу ҳақда сўз юритилди. Анжуман Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши билан биргаликда ташкил этилди.

Конференцияда жамиятни янгилаш, мамлакатимизда тараққиёт ва келажак йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича буюк мақсадлар ва хайрли интилишларнинг билимли, маънавий баркамол, демократик тамойиллар ва фуқаролик жамияти асосларини ҳар томонлама ўзлаштирган, шахсий ва умуммиллий манфаатларни уйғунлаштира оладиган одамларни тарбиялаш билан узвий боғлиқлиги алоҳида таъкидланди.

Конференция қатнашчилари "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг жамиятни ривожлантириш сиёсати ва дастурларини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этишини таъминлашга қаратилган меъёрларини бажариш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Конференцияда сенаторлар, сиёсатшунослар, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, етакчи олимлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

(ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг **Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси** томонидан "Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш: тажриба ва муаммолар" мавзусига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуманда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда уни икки палатали парламент шароитида рўёбга чиқаришда тўпланган тажрибалар хусусидаги маърузалар тингланди. Сўзга чиққанлар Конституцияда, конституциявий қонунларда, регламентларда ва бошқа норматив ҳужжатларда мазкур институтни амалга ошириш учун барча ҳуқуқий асослар борлигини таъкидлашди.

Шунингдек, тадбирда ишлаб чиқилаётган ва қуйи палата муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг сифатини оширишга доир ҳамда қонун ижодкорлиги борасидаги ишларни фаоллаштириш юзасидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари олдида турган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

Бугунги замонда ахборот оламида манфаатлар кураши тобора авж олмоқда. Шундай бир шароитда халқимизнинг азалий қадриятларини асраш, ёшлар онгу-тафаккурини эзгу ғоялар билан бойитиш бениҳоя муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, Ер юзининг турли минтақаларида ахборот жанги авж олган бугунги кунда юртдошларимизни ёт ва зарарли ғоялардан муҳофаза қилиш, демократияни ўзга жойларга юборишга уринаётган ғаразли кучларга муносиб жавоб бериш учун нималар қилиш керак? Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти** билан ҳамкорликда ташкил этган «Эркинлашаётган жамиятда ахборот ва маф-кура масалалари» мавзуидаги илмий-амалий семинар худди шу масалаларни муҳокама қилди. Мазкур қўмита раиси Х. Дўстмуҳамедов олиб борган ушбу тадбирда жамоатчиликни ўйлантираётган долзарб масалалар ҳақида сўз юритилди. Чунончи, ахборот хуружининг турлари, унинг табиати ҳаётий мисоллар асосида таҳлил қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Бировга беминнат қайишиш, қўли очиқлик, хасталар ҳолидан хабар олиш, бева-бечора ва етим-есирларга кўмак бериш каби хайрли ишлар халқимизнинг ўзига хос олижаноб фазилатлари сирасига киради.

Саховатпешалар эъзозда

2006 йилнинг мамлакатимизда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шу азалий қадрият ва анъаналаримизни муносиб давом эттириш, қалби меҳрсаховатга тўла инсонларнинг савоб ишларни амалга оширишларида имтиёз ва қулайликлар яратиб бериш сингари юксак мақсадлар мужассам.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳам бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тадбирлар уюштирмоқда. Кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган республика тадбиркорларининг "Хайрли, савобли ишларда бир-биримиздан қолишмайлик" шиори остидаги форуми ҳам шулар жумласидандир. Унда асосий эътибор ҳомийлик ишларида фаоллик кўрсатаётган тадбиркор ҳамда фермерларнинг тажрибасини, аҳолининг муҳтож ва кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш ғоясини тарғиб қилишга қаратилди.

— Халқимизнинг "Кийган тўнинг эскиради, кийдирганинг унутилмайди" сингари чуқур маънога эга ажойиб ҳикматлари кўп, — дейди форум иштирокчиларидан бири, Навоий шаҳридаги "Ортомедфармсервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фахриддин Баротов. — Ана шу ҳикмат барчамизни савобли ишлар қилишга ундайди. Қолаверса, ҳукуматимиз тадбиркорларнинг ҳар томонлама эркин фаолият кўрсатиши учун бир қанча имтиёз ва қулайликлар яратиб бермоқда. Шунинг эвазига яхшигина даромад қилишга ҳам эришаяпмиз. Айни пайтда, энди ён-атрофимиздаги ёрдамга муҳтож кишиларга ҳам кўмак беришни унутиб қўймаслигимиз лозим.

Ўзимиздан келиб чиқиб айта қолай. Бу йилги мақсадларимиз катта. Меҳрибонлик уйларига, ногирон ва кам таъминланган оилаларга, Оролбўйи ҳудудининг ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолисига 15 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқчимиз. Ана шунда бизга берилаётган эътиборга муносиб жавоб қайтарган бўламиз.

Тадбир якунида форум иштирокчиларининг мамлакатимиз ишбилармон доиралари вакилларига кенг ҳомийлик кўрсатиш, кам таъминланган кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда бир-биридан қолишмасликка даъват этувчи мурожаати қабул қилинди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Миллий манфаат

Ишга келаётгандим. Метронинг «Ҳамза» бекатида вагонга оппоқ соқолли нуроний чиқди. Йўловчилар унчалик кўп бўлмаса-да, ўриндиқларнинг ҳаммаси банд эди. Отахон ўртада тик туриб қолди. Атрофга разм солдим. Ўтирганларнинг кўпчилиги ёш йигит-қизлар. Лекин уларнинг ҳеч бири отахонга жой беришни хаёлига ҳам келтирмасди. Шунда эллик ёшлардаги аёл ёнида ўтирган қизга танбеҳ берди:

— Ўзингдан каттага жой берсанг бўлмайдими, қизим? Отаонанг буни ўргатмаганми?

Қизнинг эса парвойи палак. Уялиш ўрнига аёлга бақириб берди:

— Нега жой беришим керак? Қариганда кўчада санқимай, уйида ўтирсин-да.

Ушбу муомалани кўриб, ўйланиб қолдим. Тўғриси, бу бир марта рўй берадиган, тасодифий ҳол бўлганда ушбу сатрларни ёзиб ўтирмасдим.

Кимдан, нимани ўрганаяпмиз?

Афсуски, катталарга ҳурматсизлик, бетгачопарлик айрим ёшларимиз учун оддий, одатий ҳолга айланиб қолмоқда.

Хўш, нега шундай бўлаяпти?

— Ҳаммасига чет эл фильмлари, телевидение айбдор, — дейди бир ўртоғим.

Албатта, бу гапда ҳам жон бор. Ўғил-қизларимиз чет эл фильмларини, телекўрсатувларини кўриб, уларнинг ёшларига тақлид қилаётгани ҳақиқат. Лекин улар нега кўпроқ хорижлик ёшларнинг салбий хислатларини ўзлаштириб олишга интилишаяпти? Ғарбда ота билан ўғил бир ошхонага кириб овқат еса, иккиси ҳам ўз таоми учун алоҳида пул тўлайди. Бола ўн олти-ўн етти ёшдан сўнг мутлақо мустақил ҳисобланади. Унинг нима иш билан шуғулланаётганини отаси суриштиришга ҳақли эмас. Ёки ўғил уйланганда, қиз турмушга чиққанда тўйга хоҳласагина мурғаклигидан катта қилган, меҳр берган ота-онасини чақиради. Ўзидан каттани ҳурмат қилиш, йўлда учратиб қолса, салом бериш, ҳурматини жойига қўйиш каби хислатлар улар учун иккинчи даражали нарса. Энг ачинарлиси, кўчада ҳамманинг кўз ўнгида йигит ва қизларнинг ўпишишини, қучоқлашиб юришини улар оддий, табиий ҳол деб ўйлашади. Ҳаё, ибо каби муқаддас туйғуларга амал қилишни улар демократияни бўғиш деб ҳисоблашади.

Ўйлаб кўрайлик, бундай хислатларнинг қайси бири ўрганишга арзийди? Уларнинг нимаси ёшларимизни ўзига жалб этаяпти? Яна бир мисол. Сўнгги йилларда ёшларимиз орасида ҳам йиртиқ шим кийиш одат тусини олиб бораяпти. Ёки яхшигина оилаларда улғаяётган қизларнинг кийинишини кўриб, уялиб кетасиз. Танбеҳ берсангиз, сизни маданиятсизликда айблайди. Мода шунақа эмиш. Энди айтинг-чи, қачондан бошлаб йиртиқ шим ёхуд калта қўйлак кийиш маданият белгиси ёхуд мода бўлиб қолди? Ахир, бу кулгили ҳолатку? Ахир, бу уят-ку?

Ота-боболаримиз ҳеч қачон ўзидан катталарга гап қайтармаган, ҳамиша уларнинг ҳурматини жойига қўйган. Ёшлар кексаларни, ёши улуғларни доимо тўрга ўтқазган, туриб жой берган. Бу одатлар — бизга авлоддан авлодга, қондан-қонга ўтиб келган мерос. Мерос бўлганда ҳам бебаҳо мерос. Ўзбекнинг ўзбеклигини, ўзлигини кўрсатадиган мерос. Бироқ айрим ёшларимиз шундай улуғ удумларимизни унутиб, ғарбнинг бемаза одатларига эргашаёганини нима деб баҳолаш керак?

Халқимиз танимаса ҳам ўзидан катта одамни отажон, онажон, акажон, опажон, ўзидан кичикни эса укажон, сингилжон, ўғлим, қизим деб чақиради. Бу ўзбекларнинг бағрикенглиги, самимийлиги белгиси.

Энди айтинг-чи, дунёдаги бошқа биронта халқда шундай одат борми? Хорижга бориб кўринг, бирор киши сизни ўзига яқин олиб шундай чақирармикан? Жуда ҳурмат қилганда мистер, сеньор, сэр, мсье, мисс, сеньора, мадам, леди деб атайди. Биз эса ҳар қандай нотаниш одамни ҳам яқин кишиларимизга, туғишганимизга менгзаймиз. Чунки шунга ўрганганмиз. Ота-боболаримиз шундай муомала қилиб келган.

Лекин ўзини «зиёли» деб атаётган баъзи бир зотлар бугун бир-бирларига жаноб деб мурожаат қилишни одат қилмоқда. Бошқаларни билмадим-у, лекин менга «Ассалому алайкум, жаноб фалончи» дейишдан кўра, «Ассалому алайкум, фалончи ака» дейиш маъқулроқ.

Ёшларимиз дунёдан ўрганадиган нарсалар кўп. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин кимдан нимани ўрганишни ҳам билайлик. Маънавиятимизга, маданиятимизга, урф-одатларимизга, минг йиллик анъаналаримизга ёт, халқимиз, хусусан, ёшларимиз онгига, дунёқарашига салбий таъсир қиладиган ғоялар бизни маънавий қашшоқликка олиб боради, манқуртга айлантиради, холос. Ушбу ҳақиқатни унутмайлик.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бевосита мулоқот

СИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИ ЭШИТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчилар транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва унга тегишли қарорлари, 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорлари аҳолига автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш соҳасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотларнинг янада аниқ йўналишларини белгилаб берди.

Ушбу ҳужжатларда асосий эътибор аҳолига автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги билан, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Агар сизни ушбу Фармон ва Қарорлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёки умуман соҳага доир бошқа масалалар қизиқтирса, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти билан ҳамкорликда уюштириладиган бевосита мулоқотда барча саволларингизга

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи Абдураҳмон АБДУВАЛИЕВ жавоб беради.

Бевосита мулоқот шу йил 4 апрель куни соат 10.00 дан 12.00 гача 134-38-59, 144-47-28 телефонлари орқали ўтказилади.

Саволларингизни тахририятнинг 136-36-65 телефони, 136-37-85 факси ёки info@xs.uz электрон почтаси, шунингдек, Агентликнинг avto_06@bk.ru электрон почтаси орқали олдиндан йўллашингиз ҳам мумкин.

Умуммамлакат марафони

Наврўз айёми ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган умуммамлакат марафонининг учинчи йўналиши Намангандаги Конституция майдонидан старт олди.

Маррагача – минг километр

Олис йўлга отланган водийдаги уч вилоят спортчилари олдида бу гал катта вазифа турибди — улар улуғ саркардининг она шаҳри Шаҳрисабзгача бўлган минг километрлик масофани босиб ўтадилар. Югуриш дастлабки чақиримларданоқ оммавий тус олиб, унинг асосий қатнашчилари сафига мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, институтлар ҳамда маҳаллалардан чиққан ҳаваскор марафончилар қўшилишди ва 500 га яқин киши Андижон вилояти чегарасигача бўлган йўлни қисқа фурсатда босиб ўтди.

Намангандан йўл олган марафончилар Қамчиқ довони йўлларини ҳам босиб ўтиб, 4 апрелда мамлакат пойтахтига кириб келадилар. Улар сафар давомида аҳоли вакиллари билан учрашиб, икки муҳим сана моҳиятини тарғиб қиладилар. 8 апрелда эса Шаҳрисабзга етиб бориб, кейинги куни кўҳна шаҳарда уюштириладиган катта байрамда иштирок этишади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР ФОРУМИ

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида ўтказилган аёллар ва ёшлар форуми ҳаётимизга, онгу шууримизга салбий таъсир кўрсатаётган гиёҳвандлик, жиноятчилик, ақидапарастлик каби иллатларнинг олдини олишга бағишланди.

Уни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вилоят бошқармалари, маънавият ва маърифат маркази ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими ва халқ таълими бошқармалари ҳамда Термиз Давлат университети ташкил этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларни ҳамиша сергак ва огоҳ бўлишга, Ватан тинчлиги, юрт осойишталиги йўлида жипслашишга чақирдилар. Мазкур иллатларнинг мудҳиш кўринишларини акс эттирган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Вилоятдан етишиб чиққан таниқли ёш спортчи йигит- қизларнинг чиқишлари тадбирга алоҳида файз бағишлади. Бадиий ҳаваскорлик жамоалари, таниқли санъаткорлар ижросида Ватан, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуратов иштирок этди.

Г.САИДМАЛИКОВ
(ЎзА).

ИСЛОМ КАРИМОВ — ДАВРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ШАХС

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёш мустақил Ўзбекистон фуқароси ҳаётида унинг онгига илк бор ўз оиласида сингдириладиган, ватанпарварликнинг ўзагини ташкил этадиган маънавий қадриятлар муҳим ўрин тутади. Уларсиз Ўзбекистон миллий ғурури ва ҳатто миллий суверенитетини ҳам унутавериши мумкин.

Бу асосий таянч нуқтаси эди. Давлат раҳбарининг вазифаси жамиятни муҳим стратегик мақсадлар сари бошлаш, одамларга ўз кучига ишонч ҳосил қилиши учун ёрдам беришдан иборат. Фақат шу йўл билан жамиятда умумий руҳият шакилланади ва муваффақиятга эришилади.

Ислом Каримов буни чуқур англаб етди ва миллий тикланиш муаммоларининг сабабларини очиқ эътироф этиб, уларни ҳал этиш борасидаги устувор вазифаларни белгилади ва Ўзбекистонни янги цивилизация сари бошлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон сифат жиҳатидан бир босқичдан иккинчисига ўтиш йўлида ўзига муносиб йўлбошчи танлади. Бу ўша пайтда тарихий зарурат эди.

Йўлбошчининг даврни белгилаш хусусияти, аввало, унинг воқеаларга тўғри баҳо бериш, одамларни ўзига ишонтира билиш қобилияти ва оқилона иш тутиши билан боғлиқ. Ислом Каримовни халқаро миқёсда «Буюк мутафаккир» деб биладилар. Негаки, у ўз мамлакатининг буюк келажагини таъминлайдиган стратегик тараққиёт дастурини ишлаб чиқди. Унга прагматик ислоҳотчи сифатида ҳам қарашади. Чунки тараққиётнинг «ўзбек модели» борасидаги унинг янги ғоялари ҳурфикр одамлар ва мустақил жамият манфаатларига тўлиқ мос келади. Унинг ислоҳотлар борасидаги собитқадамлиги фақат ғояларнинг ўзига эмас, балки аввало уларни амалда татбиқ этишга изчил ёндашувга асосланган.

Бу ҳормас-толмас инсон ўз халқига, Ўзбекистонга имкон қадар кўп наф келтириш учун тинмай изланади. Жаноб Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Олий Мажлис икки палатали парламентни шакллантириш тўғрисида қонун қабул қилди.

Ўзбекистон Президенти ислоҳотларни қатъият билан давом эттириб, суд ва қонунчилик тизимини эркинлаштирмоқда. У шўро ҳокимиятидан мерос қолган зўравонлик ва қатағонга таянувчи тизимга тубдан барҳам бериб, бошқарувда инсонийлик тамойилларини мустаҳкамлашга ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тузилмаларнинг ваколатларини кенгайтиришга интилмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида" ва "Ҳибсга олиш учун санкция бериш ҳуқуқини судларга бериш тўғрисида"ги фармонлар бу борада муҳим қадам бўлди.

Гарчи, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар ҳар доим ҳам унга нисбатан холис бўлмаса-да, Президент бу ташкилотларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмайди.

Республиканинг ҳудудий яхлитлиги ва чегаралари дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир қуролли кучларни такомиллаштириш, ички хавфсизлик кучларини кучайтириш ҳам жаноб Ислом Каримовнинг ташаббуси эди.

Ёшларга катта умид боғлаган Президент уларнинг камол топиши учун хилмахил ёндашувларни қўллайди. Улар сиймосида ўз ишининг давомчиларини кўради. Шу боис истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ ёшлар таълимини кучайтиришга алоҳида аҳамият бериб келади. Бундай эътибор замирида пухта ўйланган ҳаракатлар мужассам. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси собиқ иттифоқ давлатлари орасида фақат Ўзбекистонда ташкил этилган ноёб тузилма бўлиб, у ҳам Президентнинг ташаббуси билан таъсис этилган эди.

Ана шундай имкониятлар туфайли минглаб йигит-қизлар чет эллардаги энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олди. Бутун мамлакат бўйлаб юзлаб лицей ва коллежлар бунёд этилди. Президент ғояларига асосланган мақсадли сиёсат шундан иборатки, фабрикада ишлаётган одамларнинг руҳиятига таъсир кўрсатишдан кўра, фабриканинг фаолиятини замонавийлаштириш осонроқ. Меҳнат фаолиятини цех устаси, цех бошлиғи ва йирик корхонанинг бош муҳандиси сифатида бошлагани учун ҳам у бундай вазиятни жуда яхши билади.

Яна нима дейиш мумкин? Танқидчиларнинг гапсўзларига қарамай, у ҳаққоний кўппартиявийлик тарафдори бўлиб қолмоқда. Зеро, кўппартиявийлик сиёсатда устувор ўрин эгаллаши ва Ўзбекистондаги демократик ислоҳотлар муқаррарлигининг кафолати бўлмоғи лозим. У инсон барқарорликка таяниши кераклиги ҳақида кўп гапиради. Айни пайтда муайян соҳалар бўйича фикрлашга қодир бўлмаган, одамларнинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатиш орқали сохта обрў орттиришга интиладиган турли сафсатабозларга эса тоқат қилолмайди.

Жаноб Ислом Каримовнинг «нозиктаъб» ёки «мансаб-мартаба ва сохта обрў ортидан қувадиган» демократ эмаслигига шубҳа йўқ. У мунтазам ўзгариб турадиган ҳозирги дунёнинг бешафқат воқелигида фаолият юритувчи сиёсатчи, унда ноёб сезгирлик туйғуси юксак билим билан, тадбиркорлик эса самарадорлик билан уйғунлашиб кетган. Бундай мақомдаги раҳбар учун зарур бўлган ушбу хислатлар унга ўз мақсадларига эришишда — мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги ва халқининг фаровон турмушини таъминлашда ёрдам беради.

Инсоният тарихида кўплаб жозибали ғоялар юзага келган, лекин камдан-кам ҳолларда уларни амалга ошириш имкони бўлган. Бундай имконият фавқулодда қобилиятларга эга шахсларгагина насиб этган. Даврни белгилаб берувчи шахсларгина цивилизацияга, келажакка элтувчи истиқболли ғояларни илгари суришга қодир бўлади.

Ўзбекистон Президенти ҳақли равишда ана шундай шахслардан саналади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор.

Биринчидан, давлат раҳбари сифатида ўз халқининг миллий мустақиллигини таъминлади. Ўзбекистон мустақиллигининг ўзига хос йўлини танлади, жаҳонда тан олинган, миллий тикланиш стратегиясининг узвий концепцияси бўлган тараққиётнинг «ўзбек модели»га оид беш тамойилни белгилаб берди. Ана шу беш тамойил мустақил тараққиёт учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда, унинг асосида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ана шу муҳим тамойиллардан, ислоҳотларнинг муваффақияти ва халқ томонидан қўллаб-қувватланишидан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Бунда жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш устувор вазифа қилиб қўйилди.

Учинчидан, мустақил тараққиёт йўлида дуч келадиган муаммоларни енгиб ўтишга, бу борадаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган «етти устувор йўналиш»дан иборат стратегия мавжуд таҳдидларга қарши жавоб чорасидир. Ушбу ғоянинг мақсад-вазифаларига мамлакат ва жамиятни демократлаштириш, модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, уларнинг узвийлиги ва барқарорлигини, ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш киради.

Янги Ўзбекистон биринчи Президенти сиёсий фалсафасининг мазкур янги ғоялари мустақил давлат ва эркин жамият барпо этиш стратегияси учун назарий асос бўлди. Унинг моҳияти «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилида ўз ифодасини топган.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ:

ИҚТИСОДИЙ МУЛОҚОТ РИВОЖЛАНМОҚДА

Москвада "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган "Иқтисодий мулоқот" Ўзбекистон-Россия ҳамжамиятининг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон компанияларининг Россиядаги ваколатхоналари ҳамда Россиянинг "Альфа-Эко", "Мобильные телесистемы", "Система" АФК, "Газпром", "ЛУКОЙЛ", "РУСАЛ", "Вимм-Билль-Данн", "Балтимор", "Норильский никель", "Внешторгбанк" каби йирик компаниялари раҳбарлари, мутахассислар ва расмий доиралар вакиллари иштирок этди.

Жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Россия муносабатларида иқтисодиёт аста-секин етакчи ўрин эгалламоқда. Йиғилишда ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Россия бизнеси учун саноатнинг деярли барча тармоқларида қизиқиш уйғотаётгани таъкидланди. 2005 йил якунларига кўра, Россия Ўзбекистоннинг савдо соҳасидаги асосий шеригига айланди. Республика жами товар айланмасининг 21,7 фоизи ушбу давлат ҳиссасига тўғри келади. 2005 йилда Ўзбекистондан Россияга экспорт ҳажми 41,6 фоизга ошди ва 1026,5 миллион АҚШ долларига етди. Россиядан импорт ҳажми эса 12,7 фоиз кўпайди ва 1034 миллион долларни ташкил этди. Бугунги кунда мамлакатимизда 433 та Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, шунингдек, юз фоиз Россия сармояси иштирокида ташкил этилган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида, Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 284 та корхона ишламоқда. Бу ерда Ўзбекистоннинг қатор йирик компаниялари ваколатхоналари очилган.

Иқтисодий ҳамкорликни фаол йўлга қўйиш жараёнида бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва ахборот кўмаги муҳим аҳамият касб этади. Янги жамоат тузилмаси — «Иқтисодий мулоқот» Ўзбекистон — Россия ҳамжамияти — икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, бу соҳада самарали ахборот алмашувини йўлга қўйишга ёрдам беради.

Ахборот алмашувини таъминлаш, икки томонлама ҳуқуқий, молиявий-инвестицион маслаҳат хизматларини кўрсатиш, ҳамжамият иштирокчиларини Ўзбекистон қонунчилигидаги энг сўнгги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш унинг асосий вазифалари сирасига киради. Бундан ташқари, икки томонлама кўргазмалар, бизнес-форумлар, семинарлар, симпозиумлар, амалий учрашувлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва бу жараённинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш режалаштирилган.

Йиғилишда «Иқтисодий мулоқот» ҳамжамияти икки мамлакат тадбиркорларининг очиқ ва ихтиёрий асосдаги бирлашмаси экани таъкидланди. Унга қамрови ва асосий фаолият туридан қатъи назар, иқтисодиётнинг турли соҳаларида Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга ҳисса қўшиш истаги бўлган барча тадбиркор ва ишбилармонлар аъзо бўлиши мумкин.

Икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар жадал суръатда ривожланаётганига қарамай, мутахассислар ушбу соҳада ҳали фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини қайд этмоқда, дея таъкидланди йиғилишда. Биринчи навбатда, ушбу муносабатларни чуқурлаштириш учун тўлақонли ахборот алмашишни йўлга қўйиш зарур.

Шу муносабат билан иқтисодий янгиликларни ёритиш учун ахборот хабарномасини чоп этиш тўғрисидаги таклиф маъқулланди. У келгусида Россия бизнесининг Ўзбекистонда, Ўзбекистон бизнесининг Россияда муваффақиятли шаклланиши ҳамда ривожланишига қўмаклашувчи зарур ахборотларни тақдим этиш билан шуғулланади.

Жорий йилнинг апрель ойи бошларида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда Тошкентда Россиянинг Минтақавий савдо палаталари йиғилишини ўтказишни, кейинчалик «Иқтисодий мулоқот» иштирокчиларининг кенгайтирилган учрашувини ташкил этишни режалаштирмоқда.

Экспертларнинг фикрича, «Иқтисодий мулоқот» Ўзбекистон — Россия ҳамжамияти икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорликни янада жадаллаштириш йўлида хизмат қиладиган муҳим омилга айланади.

(ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда бундай хуружларга қарши туриш учун лоқайд бўлмаслик, ҳар бир фуқаронинг қатъий позицияга эга бўлиши, ўзи эътиқод қўйган нуқтаи назарни ишонч билан асослай олиши, рўй берган хуружларга ҳозиржавоблик билан муносабат билдириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг **Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси** ишчи гуруҳининг "Тупроқ унумдорлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қуйи палата муҳокамасига тайёрланаётган мазкур қонун лойиҳаси концепцияси бўйича қўмитага келиб тушган таклифлар тегишли вазирлик, илмий-тадқиқот институтлари, мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда мутахассислар томонидан атрофлича ўрганилди.

Айтиш жоизки, тупроқ унумдорлиги пасайиб кетишининг олдини олиш ҳамда унинг унумдорлигини кафолатлайдиган замонавий ҳуқуқий механизмни яратиш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир. Шу боис иштирокчилар муҳокама жараёнида "Тупроқ унумдорлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлашди.

Қўмиталар йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг **Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ҳамда Тошкент давлат юридик институти** ҳамкорлигида "Инсонлар савдоси (траффик)га қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари" мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, «траффик» сўзи ҳаракат маъносини англатиб, олимлар томонидан маълум ашёларни ёки одамларни ноқонуний равишда, ғараз мақсадларни кўзлаб, бир ҳудуддан бошқа ҳудудга ўтказишнинг атамаси сифатида ишлатилади. Бугунги кунда халқаро майдонда наркотраффик, қуролярағлар, инсонлар траффиги жиноятлари тобора хатарли тус олиб, умумбашарий вабога айланиб бормоқда. БМТ Комиссиясининг маълумотларига кўра, ҳар йили бутун дунёда 800 мингдан зиёд киши ноқонуний инсонлар савдосининг қурбони бўлмоқда. Шу боис, сўзга чиққанлар бу иллатга қарши курашиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тўхталиб, бу муаммони узил-кесил ҳал этиш юзасидан ўз таклифларини билдиришди.

* * *

Шунингдек, Қонунчилик палатасида «Қонунлар ижро этилиши юзасидан назоратини амалга ошириш Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг роли» мавзуида давра суҳбати бўлди. **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси** ташкил этган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти вакиллари иштирок этди.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенати бешинчи ялпи мажлисидаги нутқида парламент назорати самарадорлигини янада ошириш, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикрлар билдирилди.

Қонунчилик палатаси қўмиталари амалга ошираётган назорат-таҳлил тадбирлари ва уларда сиёсий партиялар иштироки ҳамда ўрни, парламент назорати бўйича халқаро тажриба бўйича маърузалар тингланди.

Тадбирда партия фракцияларининг қабул қилинаётган қонунлар ижроси устидан парламент назорати олиб боришдаги ишини фаоллаштириш, парламент тинглови ва парламент сўрови механизмларидан янада кенгроқ фойдаланишга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Журналист суриштируви

"Ўзкўргазмасавдо" биносида талабаёшлар учун "Наврўз муборак" деб номланган байрам дастури бўлиб ўтди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ва "Меҳр нури" жамғармалари томонидан уюштирилган ушбу дастур барчага байрамона кайфият бағишлади. Тадбирда пойтахт ўқув юртларида таҳсил олаётган 2000 нафардан ортиқ талаба ва ўқувчи ёшлар қатнашишди.

Ташаббусга рағбат

Тадбир қатнашчилари ўзларининг ғоя ва лойиҳаларини эълон қилишди. Жамғарманинг таълим грантлари, талабалар стипендиялари дастури ва истеъдодли ёшлар учун "Келажак овози" танловининг лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди.

Талабалар ташаббусларини юзага чиқарувчи ушбу тадбир доирасида 2006 йил учун яна бир яхши лойиҳа эълон қилинди. Унда олий ўқув юртларида ўқишга етарли балл тўплолмаган абитуриентлар қатнашишлари мумкин. Танловда иштирок этган талабанинг «аъло» баҳоларга ўқиши, етакчилик қобилияти, ташаббускорлиги ва ўзи танлаган мутахассислик ривожига ҳисса қўшиш истагини намоён қила олиши асосий шартдир. Ҳакамлар ҳайъати ғолиб деб топган талабанинг ўқув йили давомида шартнома пули ўтказилиши таъминланади. Унинг фаоллигига қараб грант навбатдаги ўқув йилига ҳам узайтирилиши мумкин. Танлов учун ҳужжатлар жорий йилнинг 20 августидан 10 сентябригача қабул қилинади.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

2000 йил 14 август куни Нукус туманида хайрли бир ишга қўл урилди. Андижондаги "Анҳор" хусусий фирмаси филиали, Москвадаги "Славяне" ва Вильнюсдаги "Интермядена" ёпиқ акциядорлик жамиятлари ҳамкорлигида "Персей" номли Ўзбекистон — Россия — Литва қўшма корхонаси очилди. Унга "Анҳор" раҳбари Араббой Усмонов бош директор этиб тайинланди.

Ҳаял ўтмай, "Славяне" янги корхона низом жамғармасига умумий улушнинг 51 фоизига тенг 40 минг АҚШ долларини инвестиция қилди. Бу сармоянинг муайян қисмига Оқмангит қишлоғидаги собиқ болалар боғчаси ва Хўжайлидаги пиллакашлик фабрикасининг бекор ётган айвони сотиб олинди. Улардан бири корхона бошқарув идорасига, иккинчиси ипак-йигирув цехига айлантирилди.

Шерикликка хиёнат

Иш бир оз юришгач, Араббойнинг зиммасига "Персей" маҳсулотларини сотиб, зарур асбоб-ускуналар харид қилиш ва низом жамғармасининг қолган қисмини тўлдириш вазифаси юклатилди. Аммо у топшириқни бажармади. Бора-бора "Персей" бош бухгалтери Байрамбек Алимбетов билан ўзаро тил бириктириб, ҳам хориждлик шерикларни чув туширишнинг, ҳам давлат маблағини талон-торож қилишнинг антиқа усулини кашф этди. 2003 йил 3 январда исм-шарифлари номаълум 15 киши иштирокида гўёки қўшма корхонанинг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилиб, Байрамбекнинг "Алимбетов Байрамбек" номли хусусий корхонаси банкдан кредит олиши учун "Персей"нинг бошқарув идорасини, ипак-йигирув цехи ва дастгоҳларини гаровга қўйиш юзасидан қарор қабул қилингани ҳақида сохта баённома тўлдирди. Шунингдек, "Славяне"нинг эски босма иш қоғозидан фойдаланган ва мазкур жамоа бош директори Андрей Бирюков имзосини ўзлаштирган ҳолда 2003 йил 13 январь санаси қўйилган қалбаки хат нусхасини тайёрлади. Унга "Персей" мол-мулкини гаровга қўйиш масаласи таъсисчилар мажлисида кўрилиб, "Славяне" раҳбарияти томонидан маъқуллангани тўғрисида ёлғон маълумотлар киритди.

Ваҳоланки, Андрей Бирюков анча илгари — 2001 йил 17 сентябрда истеъфога чиққан, ўрнига Валерий Сеньков тайинланганди. Ва яна: муқаддам Москвадаги "Содбизнесбанк" хизматидан фойдаланган "Славяне" ўша кундан бошлаб "Смоленский банк" мижозига айланган, шунга кўра, унинг ҳисоб рақами ва муҳри ўзгарганди. Иккинчидан, "Персей" низомида улушли мол-мулкни гаровга бериш ёки гаровга қўйиш таъсисчилар умумий йиғилиши ваколатига кириши ёзиб қўйилганди. Қолаверса, Араббой сохта ҳужжатлар жамлаган кезларда "Алимбетов Байрамбек" хусусий корхонаси ҳали ташкил топмаганди. У 16 январда очилган, 23 январда давлат рўйхатидан ўтказилганди.

Ажабланарлиси, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (ТИФ МБ)нинг Қорақалпоғистон бўлими бошқарувчиси Е.Абдуғаниев Араббой ва Байрамбек тақдим қилган ҳужжатларнинг қалбакилигига аҳамият бермайди. Лоақал уларда қайд этилган моллару кўчмас мулклар аслида кимники эканлигига ҳам қизиқмайди. 5 февралда рўйхатга олинганига икки ҳафта бўлган хусусий корхонага 6 ой муддатга йиллик 36 фоиз устама тўлаш шарти билан 40 миллион сўм бериш хусусидаги кредит, гаров ва ипотека шартномаларига имзо чекади.

Бу қонунбузарликка Нукус шаҳридаги 1-давлат нотариал идораси нотариуси А.Қайпназарова ҳам ўзига хос ҳисса қўшади. Хорижлик таъсисчилар мутлақо бехабар, фақатгина қарз берувчи-ю қарз олувчи қўл қўйиб, муҳр босган, расман "Персей"га қарашли бинолар, дастгоҳлар, электр жиҳозлар ва 1490 кило ипак калава — жами 50 миллион 102 минг сўмга нархланган мол-мулк кўрсатилган гаров ва ипотека шартномаларини тасдиқлаб беради. Шу зайл нотариат ва гаров тўғрисидаги қонунлар талабини бузади. Бундай дейишимизнинг боиси, "Персей" идораси Нукус туманида, цех Хўжайли туманида жойлашганди. Қонунга кўра, кўчмас мулкка боғлиқ ипотека шартномаси ўша ҳудуддаги нотариал идоралар томонидан тасдиқланиши шарт эди.

Энди ҳангоманинг давомини эшитинг. Қаллоблик ила ўзгалар мулкига эга чиққан Байрамбек Алимбетов "Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр!" қабилида иш тутади. Кредит пулини ноўрин харжлаб юбориб, уни муддатида банкка қайтармайди. Араббой эса 2003 йил бошидан эътиборан "Персей"нинг хўжалик баланси маълумотларини солиқ идорасига топширмайди. Қарабсизки, келаси йил баҳорида корхонанинг давлат бюджетидан қарзи жарималар ҳисобига 19,7 миллион сўмга чиқиб кетади. Бу масалани туман давлат солиқ инспекцияси аризаси асосида кўрган хўжалик суди ундирувни мол-мулкка қаратади. Бироқ мулклари ва тижорий даромадлари мавжудлигига қарамай, "Персей"нинг мулки йўқ деган баҳонада суд қарори ижро этилмайди.

"Шундан сўнг "Персей" фаолиятини атрофлича ўргандик, — деб ёзади "Славяне"нинг Ўзбекистондаги ишончли вакили Турсунбой Зуҳриддинов таҳририятимизга йўллаган шикоят хатида. — Натижада Араббой Усмонов қатор қинғирликларга қўл ургани маълум бўлди. Жумладан, қўшма корхона низом жамғармасига "Анҳор" ҳисобидан сармоя киритмагани, "Славяне" пулининг салкам 75 фоизини шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборгани, биздан яширинча "Анҳор-Бўзтош" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасини очгани, бошқаларни ҳам лақиллатиб юргани аниқланди. Бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига етти марта ариза ёздик. Минг таассуфки, бирортасигаям тайинли жавоб олмадик..."

Шунга қарамай, тез орада ёлғоннинг миси чиқди. Банкдан қарзи 56 миллион сўмга етган Байрамбек бултур 9 февралда қонун олдида жавоб берди. Судда "Кредитнинг 30 миллион сўмига Нукус томат заводидан 55 тонна маҳсулот олиб, Москвадаги "Меркурий" ёпиқ акциядорлик жамиятига жўнатдим. У сифатсиз бўлгани учун савдо касодга учраб, зарар кўрдим. Қолган пул Россияга бориб келишимга кетди" деган важлар келтирди. Судья Боғдагул Бекжонова мана шу оғзаки гапларга асосланиб, Байрамбекни Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми ва 205-моддасининг 2-қисми "а" бандлари бўйича айбдор деб топиб, 2 йиллик ахлоқ тузатиш иши ва 1,95 миллион сўмлик жарима жазоси тайинлади. Шунингдек, ундан банк фойдасига 31,3 миллион сўм ундириш лозимлигини кўрсатди. Лекин гаров ва ипотека шартномалари ҳақиқий ёки ноҳақиқийлигини, Байрамбекнинг ва гувоҳ сифатида сўралган Араббойнинг сўзлари нечоғли рост-ёлғонлигини тегишли тартибда текширмади. Гаровдаги мулкнинг асл эгаларини ишга жалб этмади. Жалб этганида эди, "Меркурий"га атиги 17 млн. 160 минг сўмлик истеъмолга яроқсиз маҳсулот юборилганининг шоҳиди бўларди.

Тўғри, суд йўл қўйган камчиликларга Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлиги бефарқ қарамади. "Славяне" манфаатларини кўзлаб, хўжалик судига ариза киритди. Судья А.Қайпназаров 23 мартда низо тафсилотларини атрофлича таҳлил қилиб чиқиб, ТИФ МБнинг Қорақалпоғистон бўлими билан "Алимбетов Байрамбек" ўртасида тузилган гаров ва ипотека шартномалари ҳақиқий эмаслигини исботлаб берди. Айни чоғда, мансаб сохтакорлигига йўл қўйгани учун Араббой Усмоновга нисбатан жиноят иши қўзғатиш қолдирди. "Славяне"нинг молмулки ўзига қайтариладиган бўлди.

Хўш, кейин-чи?..

Иш Қорақалпоғистонга қайтарилгач, эски ўйин янгича тус олди. Суд қарорининг ижроси пайсалга солинди. Дўппи тор келганда, ростга ёлғон аралашди. Масалан, ҚР хўжалик суди раиси А.Сейтанов 12 октябрда юқори судга ва Т.Зуҳриддиновга жавоб хатида ижро варақалари 15 сентябрдаёқ берилганини хабар қилади. Банк бўлими бошқарувчиси Қ.Тлеумуратов ижро қарори 20 октябрда чиқарилганини, "Персей"нинг мулклари ўзи бошқараётган муассаса балансига олинмагани сабабли уларни қайтариш имкони йўқлигини таъкидлайди. Лекин тўрт ойча муқаддам қўшма корхона идорасини нукуслик Аксулув Изманбетовага сотиш борасида шартнома тузилганини "унутади". Суд департаментининг ҳудудий бўлими бошлиғи К.Сейтназаров эса, А.Сейтанов ва Қ.Тлеумуратовдан фарқли ўлароқ, ижро варақаси суд ижрочиларининг Нукус шаҳар бўлинмасига 24 октябрда келиб тушганини, "Славяне" мулклари йўқотиб юборилгани боис 8 ноябрда хўжалик судига ижро усулини ўзгартириш тўғрисида мурожаатнома жўнатилса-да, 2006 йил февралига қадар унга муносабат билдирилмаганини эслатади.

Қисқаси, казо-казолар хатларини ўқисангиз, қай бирига ишонишингизни билмай қоласиз. Аммо ўтган кузда рўй берган навбатдаги можарони эшитсангиз, ҳайратингиз янада ошади.

Дарвоқе, гаров ва ипотека шартномалари ҳақиқий эмаслиги аёнлашган кезлар туман солиқ инспекцияси гўёки раҳбари ва мулки йўқлиги, 2005 йил 20 август ҳолатига бюджетдан қарзи 36,8 миллион сўмга етгани учун "Персей"ни соддалаштирилган тартибда банкрот деб топиш масаласини кўтариб чиқди. Аммо судга ёзган аризасига корхонани тугатиш бўйича қарор қабул қилинганини, у тугатилаётган юридик шахс ҳисобланишини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилмади. Боз устига, кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув тамойили қўлланилмади. "Персей" ва таъсисчилар ҳуқуқари бузилди. Янада тажжубланарлиси, бу судга ҳам инвесторлар чақирилмадилар. Қўшма корхонанинг собиқ ва ҳозирги раҳбари олдинги судларда тарафлар сифатида қатнашиб келгани, А.Усмоновнинг устидан жиноий иш қўзғатилгани, суднинг "Персей" мулкини қайтариш тўғрисидаги қарори қонуний кучдалиги инобатга олинмади. Корхона бемаврид банкрот деб эълон қилинди. Апелляция суди банкротликнинг соддалаштирилган тартибини умумий тартибга алмаштириш билангина кифояланди. Бу хатларга Олий хўжалик суди аралашувидан кейингина ойдинлик киритилди. Жорий йилнинг февраль ойида иш Хоразм вилояти хўжалик судига юборилди.

Хуллас, кўриб турибсиз, кимларнингдир фирибгарлиги ва лўттибозлиги туфайли эзгу ниятда бошланган иш барбод бўлди. Хорижий сармоялар ҳисобига очилган қўшма корхона завол топди. Бундан ташқари, давлатнинг талай миқдордаги маблағи талон-торож қилинди. Ана шундай бир вазиятда баъзи қонун ҳимоячилари ҳолатни баттар чигаллаштиришди. Оқибатда муаммо ҳамон ижобий ечим топгани йўқ...

Ажаб, бу кетишда нима бўлади? Қонун устуворлиги қачон таъминланади?

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Трибуналга топширилиши мумкин

Либериянинг собиқ президенти Чарльз Тейлор Негериядан Камерунга чегерани бузиб ўтаётганда қўлга олинди. Манбада айтилишича, унинг Гаага халқаро трибуналига топширилиш эҳтимоли бор. Нидерландия Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг таъкидлашича, Сьерра Леоне ҳукумати трибуналга мазкур масалада мурожаат қилган. Сьерра Леоне чақириғини Либериянинг амалдаги президенти Эллен Жонсон Сэрлиф ҳам қўллаб-қувватлаган.

Ҳозирда у ҳарбий ва инсониятга қарши жиноятлар содир этганликда ҳамда аҳолини оммавий қирғин қилганликда айбланаяпти.

«Кадима» яна олдинда

Олдин хабар қилганимиздек, ўтган сешанба куни Исроилда парламент сайловлари бўлиб ўтганди.

Марказий Сайлов комиссияси сайлов натижаларини эълон қилди. Унга кўра, айни пайтда мамлакат бош вазири лавозимини вақтинча бажариб турган Эхуд Ольмертнинг «Кадима» партияси парламентдаги 29 та ўринни эгаллади. Бу эса Эхуд Ольмертга коалицион ҳукумат тузиш ҳуқуқини беради.

Меҳнат партияси 20 ўринни, «Ликуд» ҳамда «Шас» партиялари 12 тадан ўринни, «Исроил бизнинг уйимиз» партияси 11 та ўринни, «Араблар» партияси 9 ўринни банд этишди. Эндиликда мамлакатдаги сиёсий кучлар ўртасида коалиция тузиш бўйича норасмий музокаралар бошланиб кетди.

Махфий қамоқхоналар мавжудмиди?

БМТнинг қийноқларнинг олдини олиш масалалари бўйича махсус маърузачиси Манфред Новак ўзида АҚШнинг Европадаги махфий қамоқхоналари ҳақида далиллар борлигини билдирди. Эслатиб ўтамиз, шу пайтга қадар Оқ уй маъмурияти Шарқий Европа давлатларида махфий қамоқхоналар бор-йўқлиги ҳақидаги маълумотга изоҳ беришни рад қилиб келаяпти. Манфред Новакнинг таъкидлашича, бу махфий қамоқхоналарга терроризмда гумон қилинганлар олиб келиниб, турли қийноқлар йўли билан улардан кўрсатма олинган.

Бироқ маърузачи МРБнинг сирли қамоқхоналари борлигини тасдиқловчи қандай далилга эгалигини аниқлаштирмади. Манфред АҚШ ҳукуматидан бу қамоқхоналарга киришга ва ҳуқуқлари поймол этилаётган маҳбуслар билан учрашишга имконият яратиб беришни ошкора талаб қилди.

Эронда зилзила

«Франс пресс» ахборот агентлигининг хабарига қараганда, Эроннинг ғарбий қисмида жойлашган Лорестан музофотида Рихтер шкаласи бўйича 6 баллик ер силкиниши кузатилган. Натижада 17 киши ҳалок бўлган, 300 дан ортиқ одам турли даражада жароҳатланган. Музофотдаги шифохоналар кучайтирилган тартибда ишламоқда.

Айни пайтда воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилаяпти.

Журналист озод этилди

Америкалик журналист Жилл Керролл Ироқда жангарилар қўлидан озод этилди. «Крисчен сайенс монитор» газетаси мухбири бўлган ушбу журналист жорий йил январь ойида таржимони билан бирга гаровга олинганди. Таржимон кейинчалик қатл этилди. Маълум қилинишича, журналист суннийлар партиясидан бирининг бош офисига олиб келинган ва у ердан америкалик дипломатларга топширилган. Керроллнинг сўзларига қараганда, жангарилар унга нисбатан яхши муносабатда бўлишган ва унга барча шароит яратиб беришган.

Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, 2003 йилдан буён Ироқда 230 нафар хорижий давлатлар фуқаролари ва бир неча минглаб маҳаллий аҳоли гаровга олинди. Шундан гаровга тушган хоржликларнинг 50 нафари ўлдирилди, 90 нафарининг қаерда эканлиги ҳозирча номаълум.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«ҲАМКОРБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ҲАМКОРБАНК»
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик ҳисобот йиғилиши 2006 йил 6 май куни соат 10.00да банк биносида ўтказилади.

Кун тартиби:

1. «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банкининг 2005 йил фаолияти якунлари ва 2006 йилда банк фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида.
2. Банкнинг 2005 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботи — бухгалтерия баланси, даромадлар ва харажатлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш.
3. «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. «Ҳамкорбанк» АТБ кенгаши таркибидаги ўзгаришларни тасдиқлаш.
5. Банк низомига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
6. Банк фаолиятининг 2005 йил якуни бўйича «PriceWaterHouseCoopers» халқаро аудитори ҳисоботини ва 2006 йил учун банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.
7. 2006 йил учун банкнинг бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Банк бошқаруви раисини ҳамда у билан тузиладиган шартномани тасдиқлаш.

Манзил: Андижон шаҳри, Бобур шоҳкўчаси, 85-уй.

Маълумот тартиб рақами — 07

«Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки кенгашининг 2006 йил 27 мартдаги йиғилиши қарорига асосан банк акциядорларининг реестри 2006 йил 3 апрель кунига ёпилади.

«Ҳамкорбанк» АТБ кенгаши.

2402H/614

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Ўзмиллийбанк» вилоят филиалларини Миллий банк маълумот узатиш корпоратив тармоғига улаш учун зарур ускуналар ҳамда дастурий таъминот етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади.

Тендер ўтказиш шартлари хусусида қўшимча маълумот ва буюртманома шаклини олиш учун Ахборот технологиялари бош бошқармаси бош мутахассиси Ольга Леонидовна Блохинага мурожаат қилиш мумкин. Тендерда қатнашиш учун буюртмаломалар эълон чиққан кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилинади.

Алоқа учун телефонлар: 134-42-86, 134-42-96. Факс: 135-20-90.
E-mail: Oblokhina@central.nbu.com

2403H/31

Хоразм вилояти Хўжалик судининг 2005 йил 21 октябрдаги 22-05, 03-3048-сонли иш ажримига асосан «Хива Карпет» қўшма корхонасига ташқи бошқарув жорий этилган.

2006 йил 6 февралдан вилоят Хўжалик судининг 22-05, 03-3048-сонли иш ажримига асосан Даминов Бахтиёр Шокирович ташқи боқарувчи этиб тайинланган.

Кредиторларнинг эътирозлари қуйидаги манзилда қабул қилинади: Хива шаҳри, Обводная кўчаси, 7-уй.
Маълумот учун телефонлар: (8-362) 375-56-50, 375-89-57.

2408Г/595

Ўзбекистон — Россия «ДЕКА» Қўшма корхонаси

юқори самарали, экологик хавфсиз, дезинфекцияловчи, инфекцион микробларни бартараф этиш хусусиятига эга бўлган — АНК нейтрал анолит эритмаларини ош тузи ва сувдан синтез йўли билан ҳосил қилувчи ДК-60 ва ДК-30 қурилмаларини ишлаб чиқаради ва сотади.

Маҳсулот Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан сертификатланган.

Бизнинг манзил: 702100, Чирчиқ ш., А. Темур шоҳкўчаси, 68-«А» уй.
Тел.: 8 (37171) 2-45-40, 2-54-17. Факс: 2-68-63.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Илгари нон, нон маҳсулотлари тайёрлайдиган жиҳозлар республикамизга Германия, Туркия ва бошқа давлатлардан келтирилар эди. Ҳукуматимизнинг саноатни маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган оқилона стратегияси туфайли бугунги кунда вазият тубдан ўзгарди. Юзлаб фирмалар харидоргир ноз-неъматларни ишлаб чиқарувчи замонавий жиҳозлар тайёрламоқда. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган "ПГС" фирмаси — шулардан бири.

Жамоатчи мухбиримиз "ПГС" фирмаси асосчиси ва директори П.Свешников билан учрашиб, ундан газетхонларни қизиқтирувчи айрим саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

ИМПОРТ ЎРНИГА ЎЗИМИЗНИКИ

— Полянте Грамитонович, аввало, нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларга маслаҳат ва тавсияларингизни эшитишни истар эдик. Уларга қандай жиҳозларни харид қилиш мақсадга мувофиқлиги ва бунда нималарга эътибор беришлари лозимлиги ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Новвойхоналарнинг барчаси ҳам яхши. Ҳар бирининг ўз афзалликлари бор. Бироқ истеъмолчиларимиз бу турдаги жиҳозларнинг техник характеристикасини ўрганиб чиқиб, қайси жиҳозни харид қилишни мустақил ҳал этиши лозим.

— «ПГС» новвойхоналари ҳозирги кунда хорижий жиҳозлар билан ҳам жиддий рақобат қилмоқда. Бундай муваффақиятнинг сири нимада?

— Ҳаммаси жуда оддий. Кичик новвойхоналарни турқум ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда биз рақибларимиз новвойхоналарининг камчиликларини ўрганиб чиқдик. Нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кишилар ва харидорлардан маслаҳатлар олиб, шу асосда иш юритишга ҳаракат қилдик. Пировардида улар билдирган тавсияларнинг аксариятини ишлаб чиқаришга жорий этдик.

— Демак, сизнинг кичик новвойхоналарингиз халқ маслаҳатлари асосида яратилган экан-да?

— Мутлақо тўғри. Истеъмолчиларимиз маслаҳатлари асосида биз ишлаб чиқараётган жиҳозларнинг афзаллиги шундаки, улар кам электр қуввати сарфлайди, тезда қизийди, энергия ўзгаришларига ҳам чидамли. Техник жиҳатдан бир новвойхона иккита камерадан иборат бўлиб, уларда бир пайтнинг ўзида икки турдаги маҳсулот пишириш мумкин. Бунда қатор керамик иситгичлар даражаси тўғрилаб турилса бас. Иссиқлик даражасининг ҳар хиллиги эса 30 турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради.

КЎРСАТКИЧ НОМЛАНИШИ	РЗ-ХПГ	Piçolo-2	Bakary	ПГС-020	ТММ-140
Белгиланган қуввати (кВт/соат)	22,5	18,6	65	8,6	28
Самарадорлиги (бух/соат)	158	110	158	64	120
Камеранинг исиш муддати (мин)	90 гача	10-15	15	3-5	60
Нархи (минг сўм)	2000 гача	1578	2750	890	2250
Ишлаб чиқарувчи мамлакат	Украина	Германия	Туркия	Ўзбекистон	Россия

Бундан ташқари, маҳсулотимиз нархининг арзонлиги, кафолат мажбуриятлари борлиги ва кафолат муддатидан сўнг ҳам хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани республикамиз ҳудудидаги барча новвойларда қизиқиш уйғотмоқда.

Келтирилган жадвалдан кўринадики, ўзбек кичик новвойхоналари самарадорлиги жиҳатидан хорижий жиҳозлардан бирмунча орқада қолса-да, аммо энергия ресурсларини тежашда жиддий устунликка эга, исиш даври ҳам қисқа.

— «ПГС» яна қандай жиҳозларни ишлаб чиқаради?

— Биз электрқозон ва қўралар, иситгичлар, калориферлар, сауна учун жиҳозлар ва ҳатто электр қуввати билан ишлайдиган массаж-кроватларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Новвойхоналарга келсак, ИИВ тизими ва касаба уюшмалари ташкилотларида 160 дан зиёд жиҳозларимиз ўрнатилган.

— Республикамизнинг қайси ҳудудларида корхонангиз маҳсулотлари ишлатилмоқда?

— Ҳозирги кунда барча вилоятларда кўплаб буюртмачиларимиз бор. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида мижозларимиз кўп. Пойтахтимизга келсак, маҳсулотларимиздан кўплаб тадбиркорлар, «Рагу», «Брависсимо», «Карат» каби йирик ресторанлар фойдаланаётир. Қандолатчилик маҳсулотларининг аксариятини ишлаб чиқаришда ҳам бизнинг жиҳозларимиз қўл келаяпти.

— «ПГС» новвойхоналари электр қувватини тежайди, дедингиз. Шунга аниқлик киритишингизни ҳам истардик.

— Масалан, электр қозонларига мўлжалланган ўчоқлар тежамкорлиги 400 фоиз ва ундан кўп кўрсаткични ташкил этади. Умумий овқатланиш корхоналари ош дамлаш учун ойига юз минг сўмгача маблағ сарфлайди, ҳолбуки, бизнинг электрўчоқларимиз харажатларни 15 минг сўмгача камайтириш имкониятига эга. Газ, қаттиқ ёқилғи, электр қувватининг бугунги тарифларидан келиб чиқадиган бўлсак, бу анча самарали ва ишончлидир. Айни пайтда бу усул экологик жиҳатдан ҳам тоза бўлиб, хатто ёнғин хавфсизлигини таъминлайди.

Усмон УСМОНОВ.

«ТУРКИСТОН» ХОАТИБ
TURKISTON BANK
ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ.
«Туркистон» банки — сизнинг ишончли ҳамкорингиз!

«HUQUQIY MADAD»
адвокатлик-маслаҳат фирмаси

2006 йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан хайрли ишга қўл урди.

МАСОФАДАГИ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган, фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахсларга бевосита хат ва электрон почта (e-mail) орқали ҳуқуқий муносабатларда юзага келган турли мураккабликдаги саволларга ёзма равишда жавоб беради.

"HUQUQIY MADAD" адвокатлик-маслаҳат фирмасида фаолият юритувчи барча адвокатлар юқори малака ва тажрибага, шунингдек, адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун махсус лицензияга эга.

Мурожаат учун почта манзиллари — хатлар учун: 100000, Тошкент шаҳри, бош почтамт, абонент қутиси №375 e-mail: hmadad@sarkor.uz ва huquqiy_madad@yahoo.com

Хизматлар лицензияланган

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР
AVTODOM PLUS

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустаҳоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон халқ шоири

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши ЎзФА Алишер Навоий номли музейи қўлёзмалари институти консультанти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

Маҳбуба Шамсиевна ҚОДИРОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси меҳнат фахрийси, тажрибали ҳуқуқшунос

Обиджон ТУРҒУНБОЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг БМТГД билан «Атроф-муҳит ва энергия» қўшма лойиҳаси раҳбари Қаҳрамон Усмоновга падари бузруквори

Ботиржон УСМОНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари рус тили кафедраси доценти Норхол Нарзуллаевага отаси, Ўзбекистон халқ шоири

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судлари судьялари жамоаси Ўзбекистон Республикаси суд идораларида узоқ йиллар давомида турли лавозимларда самарали меҳнат қилган, суд идораларининг фахрийси

Обиджон ТУРҒУНБОЕВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ХАНДАНИ КАНДА ҚИЛМАНГ



Инсон умри, унинг мазмуни узоқ яшаш, кўп умр кўриш билан эмас, балки эл-юрт манфаати йўлида қилинган хайрли ишлар билан ўлчанади. Луқмони Ҳакимдан узоқ умр кўриш учун нималарга риоя қилиш кераклиги ҳақида сўрадилар. У шундай жавоб берди:

— Кўп йил яшашни орзу қилган киши, ҳеч бўлмаса, умрининг бир қисмини яхшиликка, халқ манфаати йўлига сарф қилсин. Шу гўзал иш боис унинг номи ўчмайди, халқ орасида абадий қолади. Бу эса, кўп яшаш демакдир.

Дарҳақиқат, халқ учун, жамият учун ўтган умр — боқий умр ҳам, инсонлар орасида узоқ яшаб, ҳаёт лаззатини сурмоқ ҳам зарур.

1820 йилда туғилган Аббос Хоскор (Ироқ)нинг айтишича, у умр бўйи хушчақчақ бўлишга уринган. Ҳеч ким билан уришмаган. Ғам-ҳасратга ортиқча берилмаган. Венгрияда эр-хотин Жон ва Сарра Равель қўша қариган. Сарра Равель — 164 ёшида, Жон Равель эса 172 ёшида вафот этган. Осетин аёли Тэнсе Абзиве 180 йил умр кўрган. Озарбойжонлик Маҳмуд Авезов салкам бир юз етмиш ёшда. Авезовнинг ҳамма болалари, неварачеваралари бир юз йигирмадан ортиқ.

Баракали умр кўрган бундай бахтиёр кишиларга кимнинг ҳаваси келмайди, дейсиз?!

Борган сари инсонлар абадий мавзу — қарилик ва ўлимни нарига суриш ҳақида янада кўпроқ фикр юритаяптилар. Қаришнинг олдини олиш билан шуғулланадиган махсус фан — геронтология пайдо бўлди.

Умрни узайтира билиш учун аввало, умрнинг қисқаришига йўл қўймасликни билиш керакдир. Киши ўз соғлиғини ўзи яратади. Одамлар орасида кўп юриб, уларнинг дардига даво, фикрига зиё бағишлаган Абу Али ибн Сино ўз асарларида соғлом ва узоқ умр кўришнинг зарурий шартларидан бири — инсоннинг руҳан покиза бўлишидир, дейди. Бундай бўлиш учун эса ширинсухан, хуштавозе, хушчақчақ кишиларга яқинлашишни маслаҳат беради.

Одам дил-дилдан ҳузур қилиб кулганда юрак секундининг юздан бир онида тўхтаб, "нафас ростлаб" олар экан. Врачлар буни мўъжиза дейдилар. Юракнинг ўша бир тўхтаб олиши, яъни сизнинг хандон қаҳқаҳангиз умрингизни бир неча йилга узайтирармиш.

Дарҳақиқат, хушчақчақликда, кулгида гап кўп. Буни халқнинг ўзидай содда ва доно мақол ва ҳикматлар ҳам яққол исботлаб турибди: "Одамни йиллар эмас, қайғу қаритади", "Куя кийимни, ғам юракни ейди", "Урушқоқ хўроз семирмас", "Кулмаган кунлар — йўқолган кунлар", "Бир соат қизиқчи борган элга қирқ кун нур ёғади", "Қизиқчининг қўшниси қаримайди"...

Шундай экан, бу гўзал замонада ҳаёт лаззати, ҳалол меҳнат, оила гаштини суриб шод ва узоқ яшашнинг савобига нима етсин!? Бунинг учун эса, қайғу ва ҳасрат илдизини қуритиб, қувонч ва шодлик уруғини кўпроқ сепишимиз, уни вояга етказиб, ҳосилидан баҳраманд бўлмоғимиз фойдадан холи эмасдир.

Ҳаёт — кураш демакдир! Бу кураш дарахтининг илдизлари: ҳар ким эканини ўради, парво қилмаслик ва бепарво ҳам бўлмаслик, ҳар қандай нохушликдан ҳам вақтихушлик излаш, асабга эрк бермаслик, бировлар кўнглига озор етказмаслик (у гулдан нозик!) сингари манбалардан озиқланади. Бунинг пировардида ушбу дарахтдан аччиқ ва чучук мевалар бунёд бўлади. Аччиғидан афтимиз буришади, чучугидан дил роҳат топади. Шундай экан, гап ҳамма вақт чучук ҳосил кўтаришда қолган! Ҳаёт — кўзгу! Унда ҳар ким ўз аксини кўради. Чимирилсанг, у ҳам сенга зарда билан боқади. Унга кулиб боқ, табассум қил, шунда сен ҳам хушчақчақ дўст топасан, деган экан бир улуғ одам.

Ҳа, дўстим, олтин вақтингизни олиб, баён қилмоқчи бўлган узун қиссамиздан ҳисса шу: хандани канда қилманг. Чеҳрангиздаги кулги аталмиш тароватли гулни чанг босмасин, у ҳамиша яшнаб, кўз қамаштириб турсин!

Ўзбек мумтоз мусиқа санъатининг ўзига хос ўрни ва мавқеи бор. Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафий сингари етук ўзбек бастакорларининг яратган куй-наволари ҳали-ҳануз дилимизда, қалбимизда.

Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Турғун Алиматовнинг танбур наволари ҳам шундай ўлмас саҳодир. Бу мумтоз оҳангларнинг дилга яқинлиги, аввало, ана шу наволарнинг кўнгил туйғуларини тараннум этганлигидадир.

Кулмаса кулмасин, нетай

КУЛМАСВОЙГА

Кулдиришга бир чора йўқ,
кулмаса кулмасин, нетай,
Бундай тажанг дилпора йўқ,
кулмаса кулмасин, нетай.

Қаёқдаги ғамни эслаб,
юрар доим чала эснаб,
Кулишга сал ишора йўқ,
кулмаса кулмасин, нетай.

Яхши ўй йўқ туйғусида,
ошнам ғафлат уйқусида,
Уйғотишга ноғора йўқ,
кулмаса, кулмасин, нетай.

Кулги қадрин билмас тақир,
керак бўлса кулсин ахир,
Ёлборишга бечора йўқ,
кулмаса, кулмасин, нетай.

Ҳадди сиғиб ҳазил билан,
шу номани ёзди Тўлан,
Кўнглида қилдек қора йўқ,
кулмаса кулмасин, нетай.

GURUNG

Бир қовоғи солиқ одам дорихонага кириб келиб сўрабди:
— Қовун борми?
— И-е, ҳазиллашаяпсизми, биродар, дорихонада қовун нима қилади?
— Наҳотки, бир дона қовун топилмаса?
— Сизга айтдим-ку, ахир, бу ер дорихона! Сабзавот дўкони эмас.

Қовоғи солиқ харидор

— Ҳозир қовунни фақат дорихонадан топасиз, дейишди-ку?! Эссиз, битта қовун жуда зарур бўлиб қолувди-да.

Бундан ғазабланган дорихоначи эшик ёнига "Қовун йўқ!" деб эълон илиб қўйибди. Ўша заҳоти нарирокда турган бояги қовоғи солиқ харидор югуриб келибди-да:

— А-а, сиз мени лақиллатмоқчи бўлдингизми? Ўзингизча биринчи апрель қилмоқчи бўлибсиз-да, а? Ундан кўра бу ерда қовун сотилади, лекин ҳозир йўқ, деб қўя қолсангиз бўларди-ку, — дермиш.

БИР ЖУФТ ЛАТИФА

Узоқ масофага югуришда ҳаммадан кейин етиб келган Афанди мусобақа ҳакамига деди:
— Менинг натижамдан 10-15 минутини олиб ташланг.
— Нега? — ажабланиб сўради ҳакам.
— Мусобақанинг ярмигача биринчилар қаторида чопиб келаётган эдим. Қарасам, қаршимиздан чиққан бир таниш кишига салом бермай ўтиб кетибман. Қайтиб бориб унга салом бериб келдим, — дебди Афанди.

***

Афанди ошпазлик курсида ўқир экан. Бир кун дарсда ўқитувчи ундан сўрабди:
— Хўжа Насриддин, палов қилмоқчи бўлсангиз гуручни сув кўтарадиганидан танлайсизми ёки сув кўтармайдиганиданми?
— Сувни келтирадиган жойнинг узоқ-яқинлигига қарайман, — жавоб қилибди Насриддин.

Тил учидан учган гаплар

Сассиқ алаф «Боғбоннинг эътибори фақат менда...» дея керилади.

* * *

Лаганбардорнинг ярим умри кўзгу олдида ўтади. Машққа нима етсин!

* * *

Бўри бўйинбоғ тақса ҳам қўзи ундан қўрқади.

* * *

Той айғирлик даъвосини қилди. Фақат тепки унинг ақлини киритди.

* * *

Мингта юлдуз битта қуёшнинг қўлига сув қуя олмайди.

* * *

Юзсизлик унинг байроғи эди.

* * *

Бузоқнинг югургани... таёқнинг зарби.

* * *

Бир қоп сомонни ёнғоқдек тош лопиллатиб юборди.

* * *

«Мен ҳалол одамман...» деди у кибр билан топиб олган бир тийинни эгасига қайтараркан.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ.

Қайроқи қайдлар

(Ҳажвчи "Ён дафтари"дан)

Сулув — сулув эмас,
Кулган сулув!

Ҳусн тўйда керак,
Табассум кунда керак!

Кулги кирган уйга,
Қайғу келмас ўйга.

Хушсуҳаннинг улфати кўп,
Тумтайганнинг кулфати.

Сиҳат тиласанг кулиб юр,
Хафаликдан юзинг бур.

Табассум —
севинчлар гуллаган мавсум.

Кўнгли пок кишига ҳазил хуш ёқар,
Чунки у ҳазилга ҳазилдай боқар.

Юз сўм пулинг бўлмасин,
Юзда табассуминг бўлсин!

Ушбу саҳифани тайёрлашда Тўлан Қўзибоев (Тўлан Табассум) жонбозлик кўрсатгани 1 апрель ҳазили эмас.

«ЧОЙХОНА» сериали

МИТТИ МИНИАТЮРА

Хурсандали димоғида қандайдир қўшиқни хиргойи қилиб, шодон кириб келди. Шодонлигининг сабаби бор. У зиммасидаги қарзларининг биттасидан қутулди: иссиқ сувга пул тўлаб келди. Уйда жим-житлик. Ҳайрон бўлди. Қўлидаги тўрва халтани ошхонага олиб бориб қўяркан, ўзича мингирлади ва "Онаси" деб чақирди. Жавоб бўлавермагач, меҳмонхонага мўралади.

— Ҳорманг, адажониси, келдингизми?

— Овқатинг тайёрми?

— Ҳозир адаси, ҳозир. Мексика сериаллари жуда зўр-да. Энг қизиқ жойига келди. Кўриб олай, кейин овқатни бошлайман. Қорнингиз жуда очиб кетмадими? Чидайсизми?

Хурсандали хотинининг саволига жавоб ҳам қилмай, ўзича тўнғиллаб нариги хонага чиқди. Қизи ўз хонасида кичик телевизорда "Ишқ эртаги" сериалини томоша қилаётган эди.

— Наргиза, сериал кўришдан бошқа ишинг йўқми?

— Ассалому алайкум, адажон!

— Ошхонага чиқиб чой қўйвор. Мен ҳозир ювиниб чиқаман.

— Вой, адажон, унгача фильм тугаб қолади-да!..

Шу пайт кўчадан ҳовлиқиб ўғли Шавкат кириб келди. Ойиси ўтирган хонага кириб:

— Ойижон, тезроқ бошқа каналга олинг, "Шумтакалар" сериали бошланди.

— Ҳали мен кўриб бўлганим йўқ-ку?!

— Сиз уйдасиз-ку! Эртага такрор берилишини ҳам кўриб олаверасиз.

Она ва ўғил можаро қилиб турганда, эр кўчага отланди.

— Ҳа, адаси қаёққа?

— "Чойхона" сериалини кўришга.



Дуранг ўйнаш ҳам санъат

Рақиблар аниқ ўйнаган тақдирда шахмат тахтасида кучлар тенг келган вазиятлар тез-тез содир бўлиб туради. Икки шоҳ бир-бирига қарама-қарши туради. Оқларнинг умидбахш этувчи «аскарлари» шунда теппа-тенг вазиятда қора доналар билан жанг қилади.

Ниҳоят, чигал ва кескин кураш орқада қолади. Буюк рус шахматчиси М. Чигорин ёзганидек: «ибратли партиялар» вужудга келади. Шахматчилар ажойиб бу ўйин ихлосмандларини ўз санъатлари билан ҳайратга солиш учун олисолислардан халқаро мусобақаларга келадилар. Ўз даврининг энг кучли шахматчиси Мак-Доннель ва Лабурдонг ўртасида 1834 йилда Лондонда бўлиб ўтган баҳсда дуранглар ҳисобга олинмаганди. Дастлабки халқаро мусобақаларда — 1861 йилда Лондонда бўлиб ўтган беллашувда, 1862 йилда Парижда дуранг бўлган учрашувлар қайтадан ўйналганди.



Оқлар бошлаб дурангга эришади.

1867 йили Парижда ўтказилган учинчи халқаро турнирда эса дурангларни ҳисобга олиш ёки қайта ўйнаш у ёқда турсин, иккала рақибга ҳам мағлубият ёзилганди. Фақат 1870 йилда Баден-Баден шаҳрида ташкил этилган халқаро мусобақаларда партиялар дуранг натижа билан тугаган тақдирда рақибларга яримтадан очко ёзиладиган бўлди. Шахматчи одатда 64 катакли тахта ёнида хаёлга берилиб ўтирган чоғида кучлар тенг бўлишига қарамасдан биронта сипоҳ пиёдасини онгли равишда қурбон қилади ва рақиби учун катта имконият яратади. Ўзи эса кам сонли, аммо аниқ режали, яхши уюшган сипоҳларини қарши ҳужумга ташлайди. Шахматда натижа эмас, балки ғояларга бой, шиддатли тус оладиган, эътиборни жалб этувчи қизиқарли кураш қадрланади. Кўҳна бу ўйин ана шу жиҳати билан ҳам ажойиб ва жозибалидир.

Анвар ИНОҚОВ,
шахмат бўйича спорт усталигига номзод.

Мунозара ва миш-миш

(Болалар тилидан)

Ҳажвчи:
Қизиқувчан қўшни қизлар,
Мунозара — гурунг излар.
Мунозара нималигин
Ҳозир тинглаб биласизлар:
Моҳичеҳра:
Гапир, кимлар нима деди?
Ширинжон:
Кимлар эмас, дадам эди!
Моҳичеҳра:
Ҳа, тушундим даданг эди!
Даданг кимга нима деди?
Ширинжон:
Дадам кеча ойим билан,
Жанжаллашиб
қолди бирдан.
Моҳичеҳра:
Жанжал боши нима эди?
Ширинжон:
Жанжал боши "деди-деди".
Моҳичеҳра:
Қулоғимни роса единг,
Нима ўзи "дединг-дединг?"
Ширинжон:
"Деди-деди" деганим йўқ
Мен эсимни еганим йўқ
"Деди-деди", "Деди-деди"
Деган асли ойим эди!
Моҳичеҳра:
Кейин даданг нима деди?
Ширинжон:
"Деди-деди" дема деди!

Яна кўришгунча...

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар
Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев
томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

(i) -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — И. Турсунова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 123456